

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЙЎЛЧИЕВ ШАҲРИЁР ХУСАНОВИЧ

**ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ КЎП ҚАТЛАМЛИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ ТУЗИЛМАЛАРДАГИ ФИЗИКАВИЙ
ЖАРАЁНЛАР**

01.04.10 - Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Йўлчиев Шахриёр Хусанович

Легирланган кремний асосидаги кўп қатламли яримўтказгичли тузилмалардаги физикавий жараёнлар 3

Йулчиев Шахриёр Хусанович

Физические процессы в многослойных полупроводниковых структурах на основе легированного кремния..... 27

Yulchiev Shakhiyor Khusanovich

Physical processes in the multilayer semiconductor structures based on doped silicon..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published research works 56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. FM/T.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЙЎЛЧИЕВ ШАҲРИЁР ХУСАНОВИЧ

**ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ КЎП ҚАТЛАМЛИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ ТУЗИЛМАЛАРДАГИ ФИЗИКАВИЙ
ЖАРАЁНЛАР**

01.04.10 - Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/FM158 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ispm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи	Далиев Хожакбар Султанович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Зикриллаев Нурулло Фатхуллаевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Рахматов Ахмад Зайниддинович техника фанлари доктори, профессор
	Отажонов Салимжон Мадрахимович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «31» 10 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел. (99871) 248-79-94, факс: (99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz, ЎЗМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин (18 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел. (99871) 248-79-59. e-mail: info@ispm.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «20» 10 кунни тарқатилди.

(2020 йил «20» 10 даги 18 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Б. Утамурадова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф. д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, (PhD)

Х.К. Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф. д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда яримўтказгич материалшунослиги ва электрон асбобсозлик соҳасида жаҳон миқёсидаги илмий тадқиқотлар ғоят катта суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг сабаби, барчага аёнки, яримўтказгичли қурилмаларнинг микро ва наноэлектроникада жадал қўлланилиши уларнинг турлари ва функционал имкониятларини янада кенгайтиришга бўлган талабларнинг ортиши дейиш мумкин. Замонавий микроэлектрониканинг асосини ташкил этувчи кремний асосида тайёрланган металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) тузилмалар, юпқа пардали кўп қатламли ва металл-оксид қатламларидан иборат гетеротузилмалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида маиший асбоб-анжомлардан тортиб, ҳарбий техника, космонавтика, алоқа тизимлари ва бошқаларда асосий элементлар бўлиб қолмоқда. Бундай қурилмаларнинг сифати ва ишончлилигини кафолатловчи асосий физик жараёнлар – уларни ташкил қилувчи қатламлар чегерасида, улар сиртида мавжуд бўлган сиртий ҳолатлар табиати ва уларнинг ҳар хил ташқи таъсирлар туфайли ўзгаришлари эканлиги инкор этиб бўлмайдиган омилдир. Бундай ҳолатлар МДЯ-тузилмаларда яримўтказгич-диэлектрик, юпқа яримўтказгичларли кўп қатламли қурилмаларда асос Si ва уларни ташкил этган қатламлар орасидаги соҳаларда, кремний-металлооксид турдаги гетероўтишларда бўлиниш чегарасида зарядларнинг кўчиш жараёнларини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. Маълумки, МДЯ-тузилмаларининг асосий хусусиятлари сиртий ҳолатлардан ташқари Si, диэлектрик қатламларининг ўз хоссаларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. SiO₂ диэлектрик қатламни ҳосил қилиш технологиялари Si асосининг ҳажмий хусусиятлари улардан алоҳида тайёрланган транзисторлар, интеграл схемалар ва бошқа микроэлектрон асбобларни ишлаш тамойилларига сезиларли таъсир этиши аниқланган. Аммо бундай тузилмаларнинг параметрларини аввалдан аниқ белгиланган қийматларда ҳосил қилиш технологияларини яратиш ҳалигача муаммо бўлиб келмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида мураккаб таркибли кўп қатламли яримўтказгичли A²B⁶, A³B⁵ турдаги икки ва ундан ортиқ юпқа пардаларни, Ge, Si, GaAs ва бошқа монокристалларга ўстирилиб, олинган гетероструктураларни олиш технологияларининг ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бундай кўпқатламли тузилмаларнинг бўлиниш чегараларида одатдаги нуқтавий сирт ҳолатларидан ташқари квант ўлчамли наночўққилар, наночуқурликлар ва бошқа ҳали ўрганилмаган ҳолатлар ҳосил бўлиши аниқланган. Аммо бундай ҳолатларнинг юзага келиш шароитлари, уларнинг табиати, таркиби ҳамда уларнинг бу тузилмаларда заряд ташувчиларнинг ҳаракатларига таъсирлари ҳалигача аниқланмаган. Шунга қарамасдан, бундай кўпқатламли тузилмаларнинг таркибий қисмлари, қатламларнинг қалинлиги ва миқдорининг олиниш технологияларини оптималлаштириш орқали ноёб хусусиятли электрон қурилмалар, юқори самарадорли куёш элементлари ва лазер қурилмалари яратиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, яна бир муҳим йўналиш бу ZnO,

SnO₂ каби металлооксидларини олиш технологияларини такомиллаштириш, шу асосда ёруғликнинг ютилиш спектрини бинафша ва ултрабинафша нурланишлар томонга кенгайтириш, яъни қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш самарадорлигини орттириш маталлооксидлар таркибини ўзгартириш ва уларга киришма элементлар атомларини киритиш орқали уларнинг ҳар хил, алоҳида газларга сезгирлигини орттириш имконлари мавжудлиги ва бу хусусиятлардан ҳарбий эҳтиёжлар, тиббий, қишлоқ хўжалиги ва маиший асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган “Иқтисодиётнинг энергия ва ресурс ҳажмининг қисқартирилиши, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг татбиқ қилиш, муқобил энергия манбаларини қўллашни кенгайтириш, иқтисодиёт соҳаларида меҳнат самарадорлигини ошириш” вазифасига металлооксиднинг золь-гель технологиялар ёрдамида олиниш усулларининг соддаллиги, материаллар ва энергия тежамкорлиги, яримўтказгичли микроэлектроникада қўлланиши қулай бўлгани туфайли муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПФ-4348-сон “Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 14 июлдаги ПФ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 26 майда ПФ-3012-сон “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган вазифаларни ечишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг III ва IV: “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлигини ривожланиши” ва “Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, нанотехнология, фотоника ва бошқа замонавий технологиялар асосида янги технологиялар ва қурилмалар ишлаб чиқиш” устувор йўналишлари доирасида бажарилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.¹ Кремний асосида нанообъектлари бўлган кўп қатламли гетерострук-туралар

¹Диссертация мавзуси бўйича халқаро тадқиқотларнинг шарҳи: Masayuki Tachi et.al. Atomic configuration of boron pile-up at the Si/SiO₂ interface. IEICE Electronics Express. 2004 Vol.1. Issue 6. pp. 126-130.

олиш, нанокристаллитлар (квант нуқталар ва чуқурлар)нинг блоклар бўлиниш чегараларида ҳосил бўлиши ва уларнинг физик хоссалари жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва Олий ўқув юртларида тадқиқот этилмоқда. Жумладан: Яримўтказгичлар технологиялари институти (Германия), А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти (С.Петербург, РФА), Қаттиқ жисмлар физикаси институти (РФА), Технологиялар институти (Массачусет, АҚШ), Токио технологиялар институти (Япония), Яримўтказгичлар физикаси (Киев, Украина) ва Электрон технологияси институтлари (Москва области, РФА), Калифорния университети (АҚШ), металлооксидларни золь-гель технологиялари асосида спрей-пиролиз, чўктириш, сиртига суртиш усуллари билан олиш, уларнинг структуравий хоссаларини аниқлаш, улар асосида ҳар хил сезгир электрон асбоблар тайёрлаш масалалари билан Воронеж давлат техника университети (РФ), Токио технология институти (Япония), Яримўтказгичлар тадқиқоти институти (Испания) ва бошқа илмий жамоалар шуғулланади.

МДЯ-қурилмаларни олиш, уларнинг ўрганиш усулларини яратиш ҳамда электрофизик хоссаларини ўрганиш (А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти, РФА), бу тузилмалар асосида янги кўп элементли интеграл схемалар олиш ва уларни амалиётга қўллаш масалалари билан “Электрон” ИИЧБ (Санкт-Петербург), Беларусь давлат университети илмий жамоалари шуғулланади.

Ҳозирда жаҳон илмий марказларида икки ва ундан ортиқ, яримўтказгичли юпқа пардали мураккаб таркибли гетероструктуралар асосида кўп қувватли мосланувчи лазерлар, интеграл схемаларнинг бирлик юзадаги элементлар сонини кўпайтириш, уларнинг ўзаро уланиш даражасини орттириш, ташқи таъсирлар, жумладан, ёруғликни ютиш спектрларини кенгайтириш, юқори даражадаги газ, ҳарорат, босимларга сезгир электрон қурилмалар яратиш, ноёб хусусиятли, кенг имкониятларга эга бўлган янги яримўтказгичли моддалар яратиш, амалдаги мавжуд моддалар хусусиятларини бошқаришнинг технологик усулларини қидириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Микроэлектрониканинг бугунги кундаги юксак ютуқларига металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) тузилмаларининг Si-SiO₂ ўтиш чегараларидаги электрофизик жараёнлар сабабчи эканлиги эътироф этилса ҳам, С.Т. Саҳ, А.С.Крове ва С.М.Зи ларнинг (АҚШ) фикрича, ҳали бу ҳодисалар тўлиқ тадқиқ этилмаган. Бунга сабаб, термик оксидлаш усулида олинган МДЯ-тузилмаларда термик нуқсонларнинг ҳосил бўлиши, бўлиниш чегарасини аниқ моделлаштириш-нинг мураккаблиги, диэлектрик қатлам SiO₂ да бошқариб бўлмайдиган, жойлашиб қолган ва ҳаракатчан зарядларнинг мавжудлиги бўлса, япониялик М.Тачи, Н.Сугияма ва бошқалар технологик жараёнларни такомиллаштиришдаги муаммоларни, россиялик А.С.Берман, А.А.Лебедев ҳамда ўзбекистонлик академик С.З.Зайнабидинов, С.И. Власов бундай қурилмалар параметрларини аниқлашнинг назарий мукамал эмаслигини асослаб, бу масалаларда ҳали

ечилмаган муаммолар мавжудлигини таъкидлаганлар.

Кремний асосидаги юпка яримўтказгичли диэлектрик ва металл пардаларни олиш технологияларини, ҳосил бўлган икки ва кўп қатламли гетеротузилмалар хусусиятларини ўрганиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича россиялик академиклар К.А.Валиев, Ж.И.Алфёров, германиялик Х.Россел, ўзбекистонлик академиклар М.С.Саидов, Р.А.Мўминов ва бошқаларнинг тадқиқотлари туфайли гетеротузилмалар асосида лазерлар, қуёш элементлари ва бошқа электрон ва оптоэлектрон қурилмалар яратилди. Илмий ва амалий изланишлар шуни кўрсатдики, янги таркибли тузилмалар олиш технологияларини такомиллаштириш, уларнинг физик хусусиятларини чуқур ўрганиш орқали XXI асрни гетеротузилмалар асрига айлантириш мумкин (Ж.И. Алфёров).

Олиниш технологияларининг соддалиги ва қулайлиги билан металлоксид моддалар кўплаб олимларни қизиқтирмоқда. Жумладан, япониялик олимлар Юши Шичи, Сатоши Таниматолар кремнийга TiO_2 , ZrO_2 ва ZnO ларни ўстириб, ташқи ҳарорат, ёруғликка сезгир гетероўтишли қурилмалар ясадилар. Россиялик С.И. Рембеза бошчилигида бир гуруҳ изланувчилар кремний асосида металлоксидли гетероўтишлар олиш технологияларининг бир неча усулларини ишлаб чиқдилар. Уларнинг тузилмавий таркиби ва олиниш технологияларини такомиллаштириш орқали юқори сезгирли сенсорлар, қайд қилгичлар ва қуёш элементларини яратиш мумкинлигини кўрсатдилар. Шу билан бирга, бундай ихчам, қулай асбоблар металлоксиднинг таркибини ўзгартириб, олиниш технологияларини такомиллаштириш орқали турли мақсадлар учун ноёб хоссали электрон қурилмалар яратиш имкониятлари борлигини қайд этдилар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Андижон давлат университетининг ОТМ-Ф2-002 “Ташқи (термик, оптик ва радиацион) таъсирлар туфайли рағбатлантирилган поликристалл, аморф ва нанокристалли кремний тузилмаларидаги номувозанатий заряд ташиш жараёнлари” (2008-2012 йиллар) ва ОТМ-2-68 “Кристалларда киришма-нуксонли микро ва нанобирикмаларни ҳосил бўлиш механизмлари ва уларни кенг қамровли функционал имкониятларга эга бўлган кўпқатламли тузилмалар олишдаги роли” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кремний асосида металл-диэлектрик-яримўтказгич тузилмалар, кремний асосидаги кўптаркибли юпка яримўтказгичли ва металлоксидли кўпқатламли пардаларнинг электрофизик, фотоэлектрик ва структуравий хусусиятларни тадқиқ этиш, ҳамда уларни олишнинг оптимал шароитлари ва амалиётда қўлланиш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: кремнийни киришма атомлари билан легирлашнинг $Si-SiO_2$ бўлиниш чегарасидаги сиртий ҳолатлар зичлигига таъсирини ўрганиш;

нам хлорли ва хлорсиз термик оксидлаш усулида олинган диэлектрик қатламга тезлаштирилган электрон ва γ -нурланишлар таъсирини аниқлаш;

МДЯ-тузилмаларга термик, электрон ва γ -нурланишлар билан ишлов бериш ва шу асосда тайёрланадиган электрон қурилмалар характеристикаларини яхшилаш шароитларини аниқлаш;

квант нуқталарга эга бўлган $(\text{SiGe})_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмани суюқ фазали эпитаксия усулида олиш имкониятларини аниқлаш;

$\text{SiGe}_{1-x}\text{GaAs}_x$ турдаги қаттиқ эритма сиртида цинк селениди нанокристалларининг nanoоролчалар шаклида ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш;

кўп қатламли гетеротузилмаларнинг олиниш технологиялари, уларнинг тузилмавий, электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларини ўрганиш;

кремний асосида олинган ZnO , SnO_2 юпқа пардаларнинг структуравий тузилиши ва уларда ҳосил бўлган ZnO нанокристаллитлари ўлчами ва кимёвий таркибини аниқлаш;

кремнийда ўстирилган ZnO ва SnO_2 юпқа пардаларини қуёш энергетикаси ва оптоэлектроникада инфрақизил, кўринувчи ва ультрабинафша нурларга сезгир элементлар сифатида шаффоф ва эгилувчан электроника қурилмаларида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кремний монокристалли асосида олинган МДЯ-тузилмалари, кўп таркибли ва кўпқатламли яримўтказгичли гетеротузилмалар ҳамда ZnO ва SnO_2 турдаги металлооксид юпқа пардалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кремний асосидаги яримўтказгич-диэлектрик, эпитаксиал ва металлооксидли қатламларнинг бўлиниш чегарасидаги номувозанатий зарядли ҳолатларнинг табиати, уларнинг ҳосил бўлиш механизмлари ҳамда бундай тузилмаларнинг хусусиятларига ёруғлик, ҳарорат ва нурланишларнинг таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда кремний асосида гетеротузилмалар олиш учун юқори ҳароратли диффузия, суюқ фазали эпитаксия ва золь-гель усулларидан; тузилмавий тадқиқотларда рентгенодифрактометр усулидан; морфологик тадқиқотларда атомий куч микроскопидан; вольт-фарада ва вольт-ампер тавсифларини текширишда ўлчаш қурилмалари мажмуасидан ва спектрал тавсифини аниқлашда оптик спектроскопия усулидан; солиштирма қаршиликни текширишда тўрт зондли усулдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кремнийни Rh ва Ir киришма атомлари билан легирлаш Si-SiO₂ бўлиниш чегарасида сиртий ҳолатлар зичлиги ва уларнинг энергия бўйича тақсимооти қонуниятларининг атомлар ионланиш энергияларига мос ҳолда ўзгаришга олиб келиши аниқланган;

нам ва қуруқ хлорли муҳитда термик оксидлаш усулида ўстирилган SiO₂ – диэлектрик қатлами 10⁶ рад дозада γ – нурлар билан нурлантирилиб, 80-270

К ҳарорат ва 30-150 кГц частоталарда ўрганилганда, улар спектрида 0,11 ва 0,26 эВ ҳолатларда янги релаксацион чўққилар пайдо бўлиши аниқланган;

МДЯ-тузилмаларга термик, электрон ва γ -нурланишлар билан ишлов бериб, Si-SiO₂ бўлиниш чегарасининг сиртий ҳолатлар зичликларини, диэлектрик қатламдаги ҳаракатчан зарядларни бошқариш орқали электрон қурилмалар характеристикаларини яхшилаш имкониятлари кўрсатилган;

илк бор (SiGe)_{1-x}(GaAs)_x қаттиқ қоришмаси субкристаллитлари бўлиниш чегараларида ҳамда сиртида ZnSe нанооролчалари (квант нуқталар) суюқ фазали эпитаксия усулида олинган:

(SiGe)_{1-x-y}(GaAs)_x(ZnSe)_y қаттиқ қоришма сиртида ва ҳажмида характерли GaAs нанокристаллитлари ҳамда ZnSe квант нуқталарининг ҳосил бўлиш механизмлари, зичлиги, шакли ва геометрик ўлчами технологик меъёрлари (ўсиш температураси оралиғи, совутиш тезлиги)га боғлиқлиги аниқланган;

GaAs, Ge, ZnSe компоненталари ионланиш энергияларининг тафовути туфайли n-Si-p-(SiGe)_{1-x-y}(GaAs)_x(ZnSe)_y гетеротузилма танловчи фотосезгирликка эга бўлган қуёш элементлари олиш мумкинлиги аниқланган;

Кремний асосида олинган ZnO металлооксид юпқа пардалари кристалл панжараси қийматлари $a=0,3265$ нм ва $c=0,5212$ нм гексоганал сингония ва вюрцит тузилишли, блоклари ўлчами 67 нм бўлган, сирти (001) кристаллографик ориентацияга эга бўлган монокристалл эканлиги, шунингдек, сиртида ёнбош геометрик ўлчами $L_{ZnO}=84$ нм бўлган ZnO нанокристаллитлари борлиги аниқланган;

ZnO ва SnO₂ металлооксидли юпқа қатламлар қуёш энергетикаси ва оптоэлектроникада инфрақизил, кўринувчи ва ультрабинафша нурларга сезгир элементлар сифатида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи қурилмаларда қўлланилиши мумкинлиги аниқланган;

SnO₂ юпқа қатламларини Ag билан легирлаш газларнинг қайд қилувчи сезгирлигини ошириб, металлооксид хусусиятларини яхшилаб ва уларни зарарли ва портловчи газларни аниқловчи индикаторларда ишлатиш имкони борлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кремний асосида олинган МДЯ қурилмаларни диэлектрик-яримўтказгич бўлиниш чегарасидаги сиртий ҳолатлар ва нуқсонлар зичлигини бошқаришнинг аниқланган шароитлари МДЯ транзисторлар, интеграл схемалар ишлаб чиқаришда қўллаш тавсия этилган.

Квант нуқталари, чўққилари ва чуқурлари ҳосил бўлган (SiGe)_{1-x-y}(GaAs)_x(ZnSe)_y турдаги қаттиқ эритмалардан фотофаол материал сифатида ИҚ ва кўринувчи нурлар спектри соҳасида ишловчи селектив фотоқабулқилгичлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконияти асосланган.

Металлооксидлар юпқа қатламларининг олиниш технологияларини такомиллаштириш, таркибини бошқариш ва киришма атомлари билан легирлаш орқали турли хил газларни қайд қилгич сенсорларни яратиш ва уларни шаффоф ва эгилувчан электрон қурилмалар сифатида ишлатиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг юқори аниқликка эга бўлган, жаҳон амалиётида фаол қўлланилувчи электр ва фотосезгир асбоблар, ИҚ ва рентгеноспектрометрлар, атом куч микроскоп, синалган технологиялар асосида олинган моддалардан фойдаланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти кўп қатламли гетероструктураларда заряд ташиш механизмларининг аниқланганлиги, бу қурилмалардаги электрофизик ва фотоэлектрик жараёнлар, металлоксидларнинг селектив сезгирлиги хусусиятларининг моҳияти ҳақидаги илмий-назарий тушунчалар бу соҳадаги мавжуд тасаввурларни, уларни амалиётга қўлланиш имкониятларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. МДЯ-тузилмалар асосида яратилган электрон қурилмалар ва интеграл схемалар кўп қатламли гетеротузилмалар асосида олинадиган фотосезгир, самарадорлиги юқори бўлган кўп функцияли электрон асбоблар ва қуёш элементларини ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Rh ва Ir атомлари билан легирланган монокристалл кремний асосида олинган МДЯ-тузилмаларнинг Si-SiO₂ бўлиниш чегарасида сиртий ҳолатлар зичлиги ва уларнинг энергия бўйича тақсимоти қонуниятларининг атомлар ионланиш энергияларига мос ҳолда ўзгариши ҳамда кремний асосидаги металлоксид юпка пардалардан газлар, ҳарорат ва нурланишга сезгир, шаффоф ва эгилувчан хусусиятли моддалар олиш бўйича олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтида бажарилган АЗ-ФА-Ф003 рақамли “Компенсирланган кремний датчиги асосида озик-овқатлар сақланадиган омбор температурасини ва намлигини узоқ масофадан назорат қилиб турадиган қурилмани яратиш” мавзусидаги лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил, 27 августдаги 2/1255-1768 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши газлар ва ҳароратга сезгир электрон қурилмаларнинг ишчи хусусиятларини яхшилаш имконини берган;

Кремний асосида SiGe/GaAs/ZnSe гетротузилмаларни олиш, уларда характерли GaAs нанокристалитлари ҳамда ZnSe квант нуқталарининг табиати ва тақсимотини бошқариш, SiGe/GaAs/ZnSe турдаги гетеротузилмаларни фотосезгирлик спектрларини ўрганиш, улар асосида инфрақизил ва кўзга кўринувчи спектрал нурлар соҳасида ишловчи фотоқабулқилгичлар яратиш бўйича олинган натижаларидан «FOTON» АЖДа ишлаб чиқариладиган яримўтказгич электрон қурилмалар тайёрлашда қўлланилган (“Узэлтехсаноат” акциядорлик компаниясининг 2020 йил 26 августдаги 04-4/1561 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши инфрақизил ва кўзга кўринувчи спектрал нурлар соҳасида ишловчи фотоэлементларнинг ва оптоэлектрон қурилмаларнинг янги синфини яратиш имконини берган;

Кремнийни киришма атомлар билан легирлашда аниқланган оптимал технологик ва термик шароитлар, киришма атомларнинг кремний кристалл панжарасида яқка ёки бирикма таркибида жойлашиш қонуниятлари, уларнинг ўзаро ва кристалл нуқсонлари билан таъсирлашиш механизмлари ҳамда уларнинг кремний электрофизик хусусиятларига таъсирлари, легирланган кремнийга иссиқлик ва радиация таъсирлари туфайли унинг электрофизик хусусиятларини ўзгариш қонуниятлари, хусусан, киришма атомларнинг ҳарорат ва радиацияга чидамлилиги ва фотосезгирлигини орттириш механизмлари ҳақидаги илмий-амалий тавсиялардан Тошкент давлат техника университетида бажарилган Ф-2-55 рақамли “Янги функционал имкониятларга эга наноматериалларнинг янги синфи сифатидаги киришма атомлар нанокластерларини шаклланиши негизида ҳажмий структуралашган кремнийни олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2968 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кремний асосида ҳарорат ва радиацияга чидамлили, шунингдек, юқори фотосезгирликка эга бўлган намуналар олиш имконини берган;

МДЯ-қурилмаларини олиниш технологияларини оптималлаштиришни, уларни хусусиятларини тадқиқ этишни усулларини такомиллаштириш ва улардаги заряд ташувчилар хатти-ҳаракатларини назарий таҳлил этиш натижалари Наманган муҳандислик технологиялари институтида “Электроника ва микропроцессорли асбоблар” ва “Рақамли электроника” махсус ўқув курсларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан 2020 йил, 7 августда олинган 89-03-2744 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўқув жараёнида талабаларнинг ноёб физик хусусиятларга эга яримўтказгичли электрон қурилмаларни яратиш ва уларнинг қўлланилиш соҳалари бўйича илмий тасаввурларини орттириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та ҳалқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий ва амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссия-сининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, эълон қилинган ишлар рўйхати, адабиётлар рўйхати 150 та номдан иборат бўлиб, 59 та расм, 7 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологоялари ривожланишининг истиқболли йўналишлари билан боғлиқлиги аниқланган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалар, илмий янгиликлари ҳамда тадқиқот усуллари баён этилган, иш натижаларининг қўлланилиши ва апробацияси ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича қисқача маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Кремний асосидаги кўпқатламли яримўтказгичли гетеротузилмаларни тадқиқотлар ҳолати ва келажак истиқболлар”** номли биринчи бобида Al – SiO₂ – Si турдаги тузилмани олишдаги технологик жараёнларнинг мураккаблиги, Si – SiO₂ тизим бўлиниш чегарасидаги сиртий ҳолатларнинг хилма – хиллиги ва уларга киришма атомларининг таъсирлари, SiO₂ қатламнинг тузилиши мукамаллигидан анча йироқ эканлиги, металл электроднинг материали тузилма параметрларига сезиларли қўшимчалар киритиши, ташқи муҳитларнинг тузилма хусусиятларига таъсирлари ҳали чуқур ўрганилмаганлиги ҳақида мулоҳазалар келтирилган. Кремний фосфидлар (AlP, GaP, InP), арсенидлар бирикмалари (AlAs, GaAs), олтингугурт бирикмалари (ZnS, CdS) ва ZnSe билан бир қатор ўзаро ўрин алмашинувчи узлуксиз қаттиқ қоришмаларнинг ҳосил қилиниши, шунингдек, антимонидлар (BSb ташқари), селенидлар (ZnSe бундан мустасно) ва теллурид бирикмалари билан узлуксиз қаттиқ қоришмаларни ҳосил қилмаслиги аниқланган. Кремний тақиқланган соҳаси кенглигида киришмавий ҳолатлар мавжудлиги ёки кремнийли эпитаксиал қатлам субкритсталлитлари (блоклар) бўлиниш чегараларида нанокристаллитлар шаклланиши тўғрисида назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари ўрганилган. Металлооксидли яримўтказгичлар деформациянинг механик энергиясини электр энергиясига, электр энергиясини ёруғлик энергиясига, шунингдек, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш мосламаларида муваффақиятли қўлланилади. Шунинг қилиб янги металлооксидли материалларни синтези ва улар асосида турли хил энергия конверторларини ишлаб чиқиш юқори илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Легирланган кремний асосида яримўтказгичли кўп қатламли тузилмаларни олиш технологияси ва уларни тадқиқ қилиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Si монокристаллари асосидаги кўпқатламли қурилмаларнинг хусусиятларини кўриб чиқилган. Керакли параметрли намуналарни олиш учун улар киришма атомлари билан юқорихароратли диффузия орқали легирланган. МДЯ-тузилмаларнинг металлооксид Si турдаги намуналарини олиш учун $\rho \sim 1 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ бўлган диаметри 150 мм, қалинлиги 250÷300 мкм бўлган пластинкалар танлаб олиниб, 1000 °C да керакли қалинликдаги SiO₂ қатлам олингунча қиздирилди. Олинган намуналар сифатини аниқлаш учун уларнинг C-V-характеристикалари таҳлил қилинди. Si да киришма атомлар ҳолатини


аниқлаш учун оксид қатлами олиб ташланган намуналардан Шоттки диодлари тайёрланди ёки тоза легирланган кремний пластинкаларини электрофизик ва оптик хусусиятлари ўрганилди. Таҳлиллар Si ҳажмидаги киришма атомлари ҳолатларининг МДЯ-тузилмаларнинг хусусиятларига таъсирини кўрсатди.

$(\text{SiGe})_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиал қатламлар вертикал реакторда суюқ эпитаксия усулида висмутли эритмадан мажбурий совутиш йўли билан кремний тагликларга ўстирилди. Вертикал реакторли қурилма қуйидаги блоклардан ташкил топган: 1-иссиқлик блоки, 2-реактор, 3-бошқариш блоки, 4-газ тозалаш блоки, 5-центрифуга (1-расм). Иссиқлик блоки уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири алоҳида бошқарилиши мумкин. Бошқарув блокида юқори аниқликдаги ҳарорат регулятори (P-111, И-102) мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида аралашма ёки эритмани совутиш жараёнини олдиндан берилган дастур ёрдамида автоматик тарзда амалга ошириш мумкин. Атмосферадан реакторга назоратсиз киришмаларнинг тушиб қолмаслиги учун ўстириш жараёни водород атмосферасида амалга оширилди. Водородни тозалаш “Палладий – 2” қурилмасида бажарилди. $n\text{-Si-p-(SiGe)}_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмаларни тайёрлаш ва олинган намуналарни баъзи бир физик хоссаларини текшириш учун керакли юқори аниқликдаги технологик ишланмалар ҳамда стандарт ўлчов асбобларидан фойдаланилди.

Спрей-пиролиз қурилмасининг принципиал схемаси 2-расмда келтирилган. Станат цинк плёнкасини синтез қилишда прекурсор сифатида цинк ацетати $[\text{Zn}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}]$, қалай хлориди $[\text{SnCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}]$ танланди. Zn_2SnO_2 бирикмаларни синтезида цинк ацетати $(\text{Zn}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O})$ цинк оксиди манбаи сифатида, қалай хлориди $[\text{SnCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}]$ қалай оксиди манбаи сифатида ишлатилди. Цинк ацетати ва қалай хлориди моляр муносабати 2:1 қилиб олинди. Ҳисобланган цинк ацетати ва қалай хлориди миқдори иккита эритма ҳосил қилиш учун дистирланган сувда эритилди.



1-расм. ЭПОС туридаги суюқ фазали эпитаксия қурилмаси



2-расм. Спрей-пиролиз қурилмасининг принципиал схемаси

Тузлар гидролизининг олдини олиш учун қалай хлориди эритмасига HCl хлорид кислотаси қўшилди. Кўп қатламли плёнкаларни ўстириш режими киздирилган тагликка 1,5 минутли узлуксиз аэрозоль бериш цикллardan иборат бўлиб, таглик температурасини тўла тиклаш учун 40 секундли танаффуслардан иборат бўлди. Тагликкача масофа 85 см ни ташкил этди. Натижада таглик сиртида бир циклда 1 қатлам, ҳаммаси бўлиб 7 қатлам Zn_2SnO_4 плёнка ҳосил қилинди.

Диссертациянинг “**Легирланган кремний асосидаги МДЯ-тузилмаларнинг физик хоссалари ва уларга ташқи омилларнинг таъсирлари**” деб номланган учинчи бобида етарлича юқори частоталарда ўлчанган МДЯ-тузилмаларнинг вольт-фарада (C-V) боғланишлари билан сиртий ҳолатларсиз олинган идеал C-V характеристикалари таққослаш натижалари муҳокама қилинган. Сиртий ҳолатларнинг, шунингдек, оксид қатламдаги зарядлар мавжудлиги МДЯ-тузилманинг C-V эгри чизиқларининг кучланиш ўқи бўйлаб силжишига олиб келади. Икки эгри чизиқни таққослаб, ΔV силжишни V га боғланиши аниқланади. ϕ сиртий потенциалнинг берилган қийматидаги сиртий ҳолатларнинг тўла заряди Q_{ss} қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$Q_{ss} = C_{ss}(\Delta V) \quad (1)$$

Бунда C_{ss} – сиртий ҳолатлар сиғими. Юқоридаги (1) тенгламани график усулда дифференциаллаб, бирлик энергия интервалига тўғри келувчи сиртий ҳолатлар зичлиги учун ифода ҳосил қиламиз:

$$N_{ss} = \frac{1}{q} \left(\frac{\partial Q_{ss}}{\partial \phi_{ss}} \right). \quad (2)$$

3-расмда 900 °C да 60 минут давомида термик оксидлаш йўли билан тайёрланган Al-SiO₂-Si МДЯ-тузилмасининг вольт-фарада характеристикаси келтирилган (1-эгри чизиқ). Бунда кремний кристаллининг солиштирма қаршилиги 15 Ом·см, кристаллографик ориентацияси <100> ва диэлектрикнинг сиғими $C_0=1540$ пФ ни ташкил этган. Тажрибада аниқланган C-V эгри чизиқ кучланиш чизиғи бўйлаб мусбат йўналишда 1.9 В га силжиган бўлиб, бу “текис зона” кучланишига мос келади.


Шундай қилиб, МДЯ-тузилмани яримўтказгич-диэлектрик бўлиниш чегарасида сиртий ҳолатлар зичлиги N_{ss} ни аниқлаш учун текширилаётган тузилманинг юқори частотали вольт-фарада характеристикаси ўлчанади ва унинг ҳисобланган қийматлари билан таққослаб ΔV аниқланади. Сиртий ҳолатлар зичлиги

$$N_{ss} = \frac{C_0 \Delta V}{qS} \quad (3)$$


кўринишга эга бўлади.

МДЯ-тузилмаларда ионловчи нурланишлар таъсирида диэлектрик қатламда статистик зарядларнинг тўпланиши, сиртий тез ҳолатлар зичлиги N_{ss}

нинг ортиши ва бунинг натижасида диэлектрик-яримўтказгич чегарасида заряд ташувчилар генерация ва рекомбинация тезликларининг ортиши каби жараёнлар юз беради.



3-расм. Тажрибавий (1) ва назарий (2) МДЯ-тузилмаларнинг вольт-фарада боғланиши графиги




4-расм. МДЯ-тузилмаларда N_{ss} ни Si тақиқланган соҳаси бўйича нейтрон нурланишларидан олдинги (1) ва Φ , н/см², $2 \cdot 10^{11}$ (2) ва $1.2 \cdot 10^{12}$ (3) интеграл доза билан нурлантирилгандан кейинги тақсимоти графиглари

Келтирилган мулоҳазалар асосида, 4-расмдаги N_{ss} кремнийнинг тақиқланган соҳаси бўйича тақсимотини қуйидагича таърифлаш мумкин. $E=0,1\text{эВ}$ ($E_c=0$ деб олинади) энергиягача бўлган соҳага мос келувчи сиртий ҳолатлар диэлектрик қатламда Si-SiO₂ бўлиниш чегарасидан узоқ масофада жойлашган ва уларнинг зичлиги нурланиш таъсирида ўзгармайди. $E = (0,1 \div 0,5)$ эВ оралиқда N_{ss} қисман тўсилувчи потенциалли бўлиниш чегарасига яқин жойлашган ҳолатларга мос келади ва уларнинг зичлиги нурланиш дозасининг ортиши билан ортиб боради. $E \geq 0,5$ эВ га мос келувчи сирт ҳолатлар Si-SiO₂ ўтиш қатламида бўлиниш чегараси жуда тор ($\sim 1\text{мкм}$) қатламида жойлашган зарядланган марказлар томонидан ҳосил қилинади.


Si-SiO₂ ўтиш қатламининг доимий сиғим режимида сиғимий спектороскопия CC – DLTS усулидаги тадқиқотлар кўрсатдики, электронлар билан нурлантиришдан кейин N_{ss} ни кремнийнинг тақиқланган соҳаси кенглиги бўйича тақсимоти Si атомидаги эркин боғланишларга боғлиқ бўлган радиацион нуқсонларнинг Si ва SiO₂ орасидаги ўтиш қатлами тақсимотига боғлиқ.

Маълумки, бундай 10^{19} см⁻² миқдордаги марказлар ҳарорат таъсирида Квази-Ферми сатҳининг ўзгариши туфайли қайта зарядланиши, ҳажмий заряд қатлами сиғимини сезиларли ўзгартира олмайди. Шундай қилиб, C_s (эффektiv сиғим)нинг ўсиши сиртий заряд ва SiO₂ даги зарядларнинг ортишини билдиради (5-расм). Тажрибаларда кузатилган R_s (эффektiv қаршилик)нинг камайиши эса нурланишдан кейин SiO₂ қатламда ҳаракатчан зарядлар пайдо

бўлиши ва ҳароратнинг ортиши билан бу марказларнинг фаоллашишини кўрсатади. Нурлантирилган тузилмалар SiO_2 қатламида ҳаракатчан зарядлар мавжудлигига бу намуналарда C-V боғланишида гистерезис пайдо бўлиши мисол бўла олади.



5-расм. МДЯ-тузилмалар учун 10^6 рад (Si) доза билан нурлантирилгандан кейин эффектив сиғим ва қаршиликларининг ҳар хил частоталарда олинган ҳарорат билан боғланишлари: 1-10 кГц; 2-30 кГц; 3-60 кГц; 4-90 кГц; 5-150 кГц




6-расм. $\text{tg}\delta$ нинг 1-10 кГц; 2-90 кГц; 3-150 кГц частоталардаги ҳарорат билан боғланишлари

Агар МДЯ-тизимни бойитиш режимидаги эквивалент схемасини RC занжир сифатида қарайдиган бўлсак, унга ўзгарувчан сигнал берилганда ундаги қувват диэлектрик йўқотишлар бурчак тангенсини $\text{tg}\delta = (WRC)^{-1}$ билан аниқланадиган қонуният билан сочилади.


Тажрибалар кўрсатдики, $\text{tg}\delta$ (T) боғланишда релаксацион кўринишдаги аниқ максимум кузатилди (6-расм). Биринчи гуруҳ намуналарида N_{ss} нинг частотага боғланиши текширилганда $\text{tg}\delta$ (T_{max}), (T_{max} - $\text{tg}\delta$ нинг энг катта қийматга эришгандаги ҳарорати) чизиқли характерга эга эканлиги кўрсатилди. Бундай чизиқли боғланишлардан МДЯ тузилмалар энг катта диэлектрик йўқотишларга эга бўлган релаксацион максимумларнинг энергетик ҳолатини аниқлаш имконияти яратилади.

Диссертациянинг **“Кремний асосидаги кўпқатламли яримўтказгичли гетеротузилмаларнинг тузилмавий хусусиятлари ва физик хоссаларини тадқиқ қилиш”** тўртинчи бобида $n\text{-GaAs-p-(SiGe)}_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмасининг тузилмавий, морфологик ва фотоэлектрик хоссаларининг тадқиқоти бўйича натижалар ёритилган. 7-расмда монокристал Si таглигининг рентгенограммаси келтирилган. Дифракциявий расмдан турли интенсивликдаги селектив табиатга эга бўлган бир нечта тузилмавий рефлекслар кўриш мумкин. Биринчи $(111)_{\text{Si}}$ тартибдаги тузилма чизиғининг бета (β) ташкил этувчиси $2\theta = 25,7^\circ$ да ва учинчи $(333)_{\text{Si}}$ тартибдаги тузилма чизиғиники эса 2θ

= 83,3° сочилиш бурчларида кузатилган. (111)_{Si} асосий рефлекснинг юқори интенсивликда ($2 \cdot 10^5$ имп·сек⁻¹) эканлиги ва кузатилаётган чўққининг торлиги (FWHM = $3.49 \cdot 10^{-3}$ рад) таглик кристалл панжарасининг мукамаллигидан далолат беради.



7-расм. Монокристалл кремний таглигининг рентгенограммаси



8-расм. Ўстирилган (SiGe)_{1-x-y}(GaAs)_x(ZnSe)_y эпитаксиал қатламининг рентгенограммаси


8-расмда ўстирилган (SiGe)_{1-x-y}(GaAs)_x(ZnSe)_y эпитаксиал қатламининг рентгенограммаси тақдим этилган ва у таглик рентгенограммасидан сезиларли даражада фарқ қилади. Эпитаксиал қатламининг рентгенограммасида кичик бурчак сочилишларида диффузион аксланиш кузатилмаган, асосий рефлекснинг (111) интенсивлиги таглик рефлексининг (111) интенсивлиги билан қиёсланганда ~ 28% га камайган ва иккинчи даражали (222) (тақиқланган рефлекс) интенсивлиги 110 марта ортган, учинчи тартибдаги рефлекснинг (333) интенсивлиги эса 59% га ортган. Киришма фазасидан рефлекс (110) интенсивлиги 25% га камайган, кичик бурчак сочилишлардаги ноэластик фон сатҳи 37% га камайган, шунингдек, ўрта ва узок бурчак сочилишларда эса ноэластик фон сатҳи 45% га ортган. Бундан ташқари турли интенсивликдаги $d/n = 3.440 \text{ \AA}$ ($2\theta = 25,9^\circ$) да (111)_{ZnSe+GaAs}, $d/n = 3.142 \text{ \AA}$ ($2\theta = 28,4^\circ$) да (111)_{SiGe}, $d/n = 2.001 \text{ \AA}$ ($2\theta = 45.19^\circ$) да (220)_{GaAs+ZnSe}, $d/n = 1.868 \text{ \AA}$ да (220)_{Bi}, $d/n = 1.631 \text{ \AA}$ да (222)_{GaAs+ZnSe}, $d/n = 1.491 \text{ \AA}$ ($2\theta = 62.16^\circ$) да (116)_{Bi}, $d/n = 1.341 \text{ \AA}$ ($2\theta = 70,2^\circ$) да (331)_{ZnSe}, $d/n = 1.158 \text{ \AA}$ ($2\theta = 83,7^\circ$) да (422)_{GaAs+ZnSe}, $d/n = 0.9422 \text{ \AA}$ да (333)_{GaAs+ZnSe} янги тузилма чизиклари пайдо бўлган.

Асосий (111)_{Si+Ge} рефлекснинг кенглиги (FWHM = $2,620 \cdot 10^{-3}$ рад) ва юқори интенсивликка ($2 \cdot 10^5$ имп·с⁻¹) эга эканлиги, қаттиқ қоричма кристалл панжарасининг юқори даражадаги мукамаллигини кўрсатади, яъни ўстирилган эпитаксиал қатлам (111) ориентацияли монокристалл ҳисобланади. Селяков-Шеррер² усули билан бу чўққи кенглиги аниқланганда,


²Л.И. Гладких и др. Дифракционные методы анализа внутренних напряжений. Теория и эксперимент. Харьков: НТУ «ХПИ». 2006. С. 304.

эпитаксиал қатламлар субкристаллит (блоклари) ўлчами 48 нм ни ташкил этди.

9-расмда эпитаксиал қатлам сиртининг уч ўлчовли атомий куч микроскопи ёрдамида олинган тасвири кўрсатилган. Расмда сирт бўйлаб турли ўлчамдаги ўзига хос нанооролчалар ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Олинган натижаларнинг таҳлили нанооролчалар асосининг диаметри $50 \div 90$ нм, баланлиги эса $3 \div 12$ нм оралиғидаги қийматларни қабул қилишини кўрсатади. Турли яримўтказгич материалларининг эпитаксиал қатламини ҳосил қилиш жараёнида уларнинг кристалл панжараси қийматларининг бир-бирига мос келмаслиги, кристалл панжарада деформация энергияси юзага келиши ўз-ўзини шакллантирадиган уч ўлчамли нанооролларни ҳосил бўлишига олиб келади.



9-расм. $(\text{SiGe})_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиал қатлам сиртининг уч ўлчовли АҚМ тасвири



10-расм. $n\text{-GaAs-p-(SiGe)}_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмаси (1) ва $n\text{-Si-p-Si}$ тузилма (2) ларининг спектрал фотосезгирлиги

Шунинг учун $\text{SiGe}_{1-x}\text{GaAs}_x/\text{ZnSe}$ тизимларининг кристалл панжара қийматлари номувофиқлиги, яъни 3,67% га фарқланиши туфайли, ZnSe квант нуқта сифатида ҳосил бўлиши мумкин. Рентгенографик таҳлил ҳамда атомий куч микроскопи тадқиқотлари натижалари ёрдамида олинган нанооролчаларининг (квант нуқталари) ўлчамлари бир-бирига жуда ҳам яқин ҳамда бу икки тадқиқот натижалари бир-бирларини қаноатлантиради (8-расм).

10-расмда 10 мкм қалинликдаги $(\text{SiGe})_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиал қатлам фотосезгирлигининг спектрал боғланиши ҳамда қиёслаш учун $n\text{Si-pSi}$ тузилманинг фотосезгирлигининг экспериментал натижалари келтирилган (10-расм 2-чизиқ). Расмдан намунада GaAs молекулалари борлиги туфайли унинг фотосезгирлиги $E_{\text{ф}} \geq 1,45$ эВ фотон энергияли, қисқа тўлқинли спектрал соҳалар томон силжиганини кўриш мумкин. Шунингдек, намунада Ge атомлари борлиги туфайли унинг фотосезгирлиги узун тўлқинли спектрал соҳалар томон силжиганлиги ҳам кузатилди.

Максимал фотосезгирлик фотоннинг 1,23 эВ энергиясида кузатилади (10-расм). Бу эса $(\text{SiGe})_{1-x-y}(\text{GaAs})_x(\text{ZnSe})$ қаттиқ қоришманинг тақиқланган

соҳаси кенглиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. 1,23 эВ дан юқори фотон энергияларида спектрал фотосезгирликнинг пасайиши кузатилди, бизнингча, бу бўлиниш чегарасининг чуқурлиги билан боғлиқдир яъни бу ҳолда $p-n$ ўтиш ~ 10 мкмни ташкил этувчи эпитаксиал қатламнинг қалинлиги билан белгиланади. Тадқиқ этилаётган тузилманинг фотосезгирлиги спектрининг 2,4 дан 3 эВ гача бўлган энергия оралиғида кенг тақиқланган соҳага эга бўлган ZnSe атомлари боғланишларига тегишли 2,68 эВ ли чўққи кузатилган. Маълумки, соф яримўтказгичли ZnSe материалининг тақиқланган соҳаси кенглиги $E_{g,ZnSe} = 2,7$ эВ ни ташкил этади ва унинг ковалент ва қисман ионли боғланиши Si-Si, Ga-As ва Ge-Ge боғларга нисбатан мустақкамроқ бўлади. Аммо, ZnSe молекуласи Si_2 , GaAs ёки Ge_2 молекулалари билан қаттиқ қоришманинг тетраэдрик кристалл панжарасида ўзаро ўрин алмашилиб жойлашганида Zn-Se боғининг мустақкамлиги Si, Ga, As ва Ge атомларининг таъсири остида заифлашади.


Тадқиқотнинг “**Металлооксидли юпқа қатламларнинг тузилмавий хусусиятлари ва физик хоссалари**” бешинчи бобида металлооксидларнинг тузилмавий хусусиятлари, сиртий ва фотоэлектрик тавсифларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг фото-, термо- ва газсезувчанлик хоссаларини текшириш натижалари тақдим этилган. 11-расмда p -Si таглигининг рентгенограммаси кўрсатилган. Дифракцион расмдан турли хил интенсивликда селектив табиатга эга бир қатор тузилмавий рефлексларни кўриш мумкин. (400) дифракцион аксланишнинг юқори интенсивлиги ($2 \cdot 10^5$ имп·сек⁻¹) ва ингичка кенглиги (FWHM = $3,29 \cdot 10^{-3}$ рад) таглик кристалл панжарасининг мукамаллигидан далолат беради. Бундан ташқари, фақатгина (400) рефлекснинг энг юқори интенсивликдалиги ва ингичкалиги тагликнинг кристалл панжарасининг қийматини аниқлаш учун мувофиқ келди. Таглик панжарасининг экспериментал қиймати $a_s = 0,54292$ нм лиги аниқланди.

12-расмда ўстирилган ZnO юпқа қатламининг рентгенограммаси келтирилган ва у p -Si таглигининг рентгенограммасидан сезиларли даражада фарқ қилади. Юпқа қатлам рентгенограммасида кичик бурчакли сочилишларда $d/n = 0,2774$ нм ($2\theta = 31,7^\circ$) да (111), $d/n = 0,2723$ нм ($2\theta = 32,97^\circ$) да (002) ва $d/n = 0,249$ нм ($2\theta = 36,34^\circ$) да (101) кристаллографик ориентацияли селектив рефлексларга эга бўлган кенг диффузиявий аксланиш кузатилган.


